

# AGRO

# IQTISODIYOT

MAXCYC COH  
2019





# Agroiqtisodiyot

Илмий-амалий агроиқтисодий журнал

№	МУНДАРИЖА ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ	бет
1.	А.Р.РАМАЗАНОВ, С.НУРЖАНОВ, Н.Н. ХОЖАНОВ. Совершенствование научных основ орошаемого земледелия	5
2.	И.А.БЕГМАТОВ, С.А.КАСЫМБЕТОВА, Г.Т.АХМЕДЖАНОВА, Д.Т.ЕРГАШОВА. Магнитланган сув билан шўр ювишнинг самарадорлиги.	8
3.	М.Н.НОРКОБИЛОВ, В.В.МАХМУДОВ, А.Р.ХОДЖАНОВ. Инновационное моторное обучение и его развитие в мини-футболе.	9
4.	Б.М.КАМАНОВ, М.А.МАМАТКОСИМОВ, А.И.МУСТАФОЕВ. Кумушкон серпентини асосида керамик материаллар ишлаб чиқариш.	10
5.	Б.С.СЕРИКБАЕВ, А.Г.ШЕРОВ, А.И.ГАФАРОВА, Ф.НАСИРОВ. Техники и технологии полива хлопчатника по бороздам обеспечивающие мелиоративные и экологические безопасности.	13
6.	Х.А.АБДУРАХИМОВ, Изучение химических составов сточных вод подразделений масложировых предприятий и производства целлюлозы.	19
7.	Б.М.КАМАНОВ, М.А.МАМАТКОСИМОВ. Заргарлик буюмларидан фойдаланишнинг хх асрдан ххi асргача бўлган давр ҳолатларининг таҳлили.	22
8.	М.Т. МУНАММАДИЕВА. Ekin dalalarini sug'orishda va suv chiqarishda mahalliy suvlardan foydalanish.	24
9.	Т.У.АПАКХУЖАЕВА, З.И.ИБРАГИМОВА. Қуйилма сув омборларини лойқа босиш ҳажмини башорат қилиш.	25
10.	Д.Г.ЮЛЧИЕВ. Томчилатиб суғориш усулининг атроф – мухитни муҳофаза қилишдаги аҳамияти.	27
11.	Г.У.ЖУМАОБОВА, А.И.ГАФАРОВА. Гидравлические режим деления потока бесплотинном водозаборе.	29
12.	С.А.ДУСТНАЗАРОВА. Приаралье – зона экологических инноваций.	31
13.	Д.Г.ЮЛЧИЕВ, М.С.ХАЙИТОВА. Тупроқ эрозияси ва уни олдини олишга доир чора –тадбирлар.	32
14.	С.Р.МАНСУРОВ, С.М.ҚОДИРОВ. Оҳангарон дарёси ҳавзасидаги сув омборлари ва дарёдан сув оладиган каналлар сув сарфлари таҳлили.	34
15.	З.ИБРАГИМОВА, Д.АЛЛАЁРОВ М.ОТАХОНОВ. Сув тозалаш иншоотларида тозалашга олинган сувнинг самарадорлигини ошириш.	36
16.	Б.Т.ХОЛБУТАЕВ, Х.ХУСАНБОЕВА. Аванкамерадаги сув уюмларининг насос қурилмасига таъсири.	38
17.	Б.Т.ТЎРАЕВ, М.А.ХАЛИҚУЛОВ. Шолини сув бостирилган майдонда экиш.	39
18.	Р.ДЖАМОЛОВ. Туқли уруғлик чигит саралаш агрегатини такомиллаштириш ва конструктив параметрларини асослаш.	41
19.	Р.ДЖАМОЛОВ. Шнекли-қозикли аралаштириш қурилмасининг иш режимларини аниқлаш.	44
20.	С. ДУСТНАЗАРОВА. Реконструкция закрытых горизонтальных дрен в джизакской области.	46
<b>ГИДРОТЕХНИК ҚУРИЛИШ</b>		
21.	Т.М.МАВЛАНОВ, Э.С.ТОШМАТОВ, Ж.А.ЯРАШОВ. Методика вычисления матриц жестости многосвязных структурно-неоднородных оболочечных конструкции.	49
22.	Т.М.МАВЛАНОВ, Э.С.ТОШМАТОВ, Ж.А.ЯРАШОВ. Об одном методе решения задачи на собственные колебания многосвязных структурно-неоднородных оболочечных конструкции.	51
23.	Т.М.МАВЛАНОВ, Э.С.ТОШМАТОВ. Расчет динамических характеристик собственных колебаний структурно-неоднородных призматических конструкций.	52
24.	Т.З.СУЛТАНОВ, Б.Ш.ЮЛДОШЕВ, Э.С.ТОШМАТОВ, Ж.А.ЯРАШОВ. Исследование динамики грунтовых плотин на основе пространственной модели при однокомпонентном кинематическом воздействии.	55
25.	Т.М.МАВЛАНОВ, К.М.ТУРАЖОНОВ. Исследование динамики механической системы с двумя роторами на упругом основании.	57
26.	М.А.ЯКУБОВ, Д.А.КУВВАТОВ. Сугорма деҳқончиликда коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш.	59
27.	Т.Д.МУСЛИМОВ, А.А.ЖАҲОНОВ, Д.П.ЖЎРАЕВ. Гидротехника иншоотлари затворларини коррозияланиши.	61
28.	G.R.MURTAZAEVA. Theoretical-methodological bases of ensuring sustainability in emergencies in hydro-technical constructions.	64
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ</b>		
29.	К.АСТАНАҚУЛОВ. Кичик хўжаликларда ўрим-йигим ишларида қўлланиладиган ўргичнинг иқтисодий самарадорлиги.	66
30.	Б.П. ШАЙМАРДАНОВ, А.Н. БОРОТОВ, Я.К. ЖУМАТОВ, Н.А. АШУРОВ. Пушта шаклантиргич ва ишлов беришнинг янги техник ечимлари.	67
31.	Б.П.ШАЙМАРДАНОВ, А.Н.БОРОТОВ, Н.А. АШУРОВ. Модель технологической линии для переработки плодов дыни.	68
32.	Б.П.ШАЙМАРДАНОВ, А.Н.БОРОТОВ, Н.А. АШУРОВ. Механическая модель плодов дыни, как объект переработки	70
33.	Н.САТТАРОВ, А.БОРОТОВ. Ўзбекистонда алп эчкиларини боқишнинг афзалликлари.	71
<b>ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ИШЛАРНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ</b>		
34.	Ш.У.ЙЎЛДОШЕВ, Б.Х.НОРОВ, Э.ГАНИБОЕВА. Сув насоси валининг ресурсини тиклаш технологияси.	73
35.	В.А. КИМ, Х.И.ТУРКМЕНОВ, А.А.АФАНАСЬЕВА. Исследование состава, структуры и свойств нового композиционного фрикционного материала.	76
36.	В.А. КИМ, Х.И.ТУРКМЕНОВ, АУНГ НГВЕ ТЭЙН. Упрочнение легированной стали 15хм концентрированными потоками энергии	77

следует, что при Рис.1. Диаграмма «нагрузка-деформация» для определения твердости мякоти с кожурой со стороны семенной полости:

$t = const$  напряжение имеет значение  $\sigma = A + B$ , при возрастании  $t$  напряжение уменьшается по экспоненциальному закону.

Остаточная деформация на плодах [1] в зависимости от действующей нагрузки при внедрении в тело дыни цилиндра диаметром 50мм и длиной 60мм представлена на рис.2. Как видно из графика, он подчиняется линейной зависимости, которая описывается уравнением вида:

$$\varepsilon = -3,44 + 0,037P, \text{ мм} \quad (9)$$

I-зона (примерно 80% толщины мякоти)- зона незначительной прочности; II- зона - зона увеличения прочности слоя мякоти; III - зона - зона достаточно высокой прочности - корковый слой. При этом понятие «несъедобная часть мякоти плода» на графике выражена III - зоной. Очевидно, что эта зона является граничной толщиной срезаемого слоя кожуры.

Для оценки влияния сил входящих в полученное уравнение рассмотрим результаты экспериментов, полученных при динамическом срезании кожуры с

поверхности плода, а также полученные при врезании ножа в тело дыни.

На представлена зависимость, характеризующая процесс резания подкоркового слоя мякоти дыни. При проведении исследования проводилось измерение рельефа в зоне резания и измерение с одновременной записью результатов на самопишущем приборе ПС - 4.

Относительная деформация  $\varepsilon$  мякоти характеризуется периодами мгновенного сжатия АВ, затем наблюдается период постепенного сжатия ВС, в последующем наблюдается процесс мгновенного разжатия CD, завершение процесса характеризуется постепенным разжатием DE.

Указанный процесс соответствует математической модели, описанной выше. Процесс АВ соответствует мгновенному сжатию элемента  $E_1$  (рис.1), процесс ВС - постепенному сжатию элемента  $E_2$  вместе с перемещением поршней  $\eta_1$  и  $\eta_2$ , процесс CD - мгновенному разжатию элемента  $E_1$ , процесс DE - постепенному разжатию элемента  $E_2$  и EF - остаточной деформации. Следовательно, наше предположение о соответствии математической модели упруговязкого материала подтверждается экспериментальным исследованием.

#### ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Б.П.Шаймарданов. Технологические основы и обоснование схемы и параметров средств механизации безотходной переработки плодов дыни. Ташкент. 2000.

УДК 639.39.(575.1)

ЎЗБЕКИСТОНДА АЛП ЭЧКИЛАРИНИ БОҚИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ  
Нармурод САТТАРОВ қ.х.ф.н. доцент, АТХАМ БОРОТОВ ассистент, ТИҚХММИ

**Abstract:** The article on imported Alpine mountain goats in recent years to Uzbekistan. The characteristic origin is given, history the creation of breeds, exterior and productivity where these breeds are bred (which countries).

Кичик тоғли ўлка бўлган Швейцария бир вақтнинг кўзида бир нечта хил йирик шохли қорамоллар ва эчкиларнинг ватани ҳисобланади. Бироқ, бугун биз Заанен ва Тоггенбург сут йўналишидаги эчкиларнинг асосий рақобатчиларидан бири бўлган Француз алп тоғ эчкилари ҳақидаги маълумотлар билан танишамиз. Ушбу эчкилар эса қоларли кўринишга эга бўлиб, юқори сут маҳсулдорлиги билан машҳурдир.

Ҳар хил тахминларга кўра, Алп тоғ эчкилари Франциянинг Алп тоғлари этагида ва қисман Алп тоғларида жойлашган Франциянинг тарихий Савой минтақасида яратилган деган фаразлар мавжуд. Бироқ, ушбу минтақада учта замонавий давлатларнинг Франция, Швейцария ва Италия чегаралари бир вақтнинг ўзида бирлашиши сабабли - бу бу зотнинг яратилишида швейцариялик селекционерлар ҳам муносиб ҳиссаларини қўшган деб тахмин қилишга жиддий асослар мавжуд.

Кўпроқ ёки камроқ аниқлик билан, зот наслнинг тарихи фақат XX асрнинг бошларида, француз фермерлари уни фаол равишда кўпайтира бошлаган пайтдан бошлаб кузатила бошланган бўлиши мумкин. Айрим манбаларга кўра, бу зот олдин, эҳтимол, фақат Савой минтақасида ёки Швейцариянинг қўшни кантонларида парварил қилинган деган тахминлар мавжуд.

Фақатгина 1930 йилга келиб Францияда ушбу Алп тоғ эчкисининг биринчи наслчилиги китоби яратилган. Ушбу ҳолатни Алп тоғ эчкиси наслнинг расмий мавжудлигининг бошланғич нуқтаси деб ҳисоблашиши мумкин. Аммо бундан ўн йил олдин,

биринчи 22 та Алп тоғ эчкилари Шимолий Америкага олиб келиниб бу ерда ушбу зот ичидаги янги тип яратилган. Бугунги кунда Қўшма Штатларда парварилланаётган тоғ эчкиларининг барчаси ушбу 22 зотли эчкиларнинг авлодларидир.

Кейинги ўн йилликлар ичида Алп зоти Европада ва Шимолий Америкада жуда кенг тарқалди. Аммо у Францияда маҳсулдорлиги бўйича жуда машҳур бўлиб кетди. Бугунги кунда насли Алп тоғ эчкилари мамлакатдаги эчки подасининг 90 фоизидан кўпини ташкил қилади. Ҳозирги кунда Францияда бу эчкиларнинг бош сони 150 мингга яқин.

Ушбу зот эчкиларига батафсил тавсиф бериш жуда қийин, чунки зот ичида иккита зот типли (Француз ва Америка) мавжуд бўлиб бир нечта тусда учрайди. Алп эчкиси мутлақо оқ, жигарранг, қора ҳамда ола икки ёки ҳатто учта тусга эга бўлганлари ҳам мавжуд.

Алп эчкиларининг барча туси саккиз турга бўлинади, аммо энг машҳурлари қора ёрқин бўйинли ва "ромашка" дир. "Икки рангли ромашка" бироз камроқ тарқалган. Францияда энг кенг тарқалган - дафна ёки кенг тарқалган ромашка, АҚШда қора бўйинли ва ола тусли эчкилар кенг тарқалган.

Бу эчкиларнинг туси жуда хилма-хиллиги билан фарқ қилсада жуни жуда қисқа, шунинг учун уларни қўшимча маҳсулотлар олиш учун боқиб мақсадга мувофиқ эмас.

Зотнинг ташқи кўринишдан ташқари бошқа хусусиятларига ҳам назар солсак танаси ингичка, аммо айни пайтда оёқлари кучли ривожланганлигини таъкидлаш лозим. Алп тоғ эчкисини юзи узун ва текис, қулоқлари тор ва тик,

кучли текис ривожланган шохлари мавжуд. Такаларининг яғрин баландлиги ўртача 87 см, эчкилариники 75 см, тирик вазни эса мос равишда 80 ва 60 кг га тенг.

Деярли барча фермерлар Алп тоғ эчкиларини баҳолашда уларнинг эгилувчанлигини таъкидлашади. Бундан ташқари, бу зотнинг вакиллари деярли ҳар қандай шароитга осонликча мослашади. Бошқа зотлардан фарқли ўлароқ, улар ҳар доим одамнинг эътиборига муҳтож эмаслигидир.

Алп зоти Тоггенбург ва Заанен зотли эчкилари билан бир қаторда сут йўналишидаги зотлар ичида *биринчи учталиқ киради. Гарчи кўплаб манбаларда* лактация даврида ўртача сут маҳсулдорлиги 1,5 минг литрни ташкил қилиниши қайд этилган бўлсада француз чорвадорларнинг маълумотлари бўйича ўртача сут соғими 780-800 литрни ташкил қилади. Энг яхши эчкилардан ўртача ҳисобда минг литр ва ундан кўпроқ сут соғиб олиш мумкинлиги тўғрисидаги маълумотлар илмий манбаларда келтирилган.

Сутнинг ёғлилиги 3,7-3,2% ни ташкил қилади, ёғи (3,7%) ва оқсиллар (3,2%) ўртача кўрсаткичга эга. Бундан ташқари, кўпчилик манбаларда таъкидланишича, тоғ эчкисининг сути мутлақо ҳидсиз бўлади. Шунинг учун уни сигир сутидан ажратиб бўлмайди.

Алп зоти сут йўналишида зот бўлганлиги сабабли, Алп эчкиларининг гўшт маҳсулдорлиги юқори эмас. Ёш эчкиларнинг сўйим чиқим кўрсаткичи ўртача 43% ни ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Алп эчкиларининг жуни калта бўлганлиги сабабли енгил саноатда унинг жундан тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли талабга жавоб бермайди.

Алп эчкисининг ягона заиф томони – бу унинг туёқларидир. Ушбу муаммонинг олдини олиш учун, сақланадиган бинонинг полини қаттиқ материаллардан қуриш тавсия этилмайди. Тахтадан ёки юмшоқ материаллардан қуриш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, уни ердан 15-20 см га кўтариш жуда муҳимдир.

Шунингдек, бинони жиҳозлаш бўйича тавсиялар орасида полдан 50-60 см баландликда жойлашган кичик ёғоч жавонларнинг бўлишини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Эчкилар табиатан бундай баландликка кўтарилишни ва уларда ухлашни жуда яхши кўрадилар. Бироқ, бу эҳтиёждан кўра кўпроқ уларнинг ушбу шароитга мослашганлигидир.

Озиқлантиришга келсак, озуқаларга ўта талабчан эмас. Ёз ойларида Алп тоғ эчкиларни яйловдан келтирилган яшил ем-хашак билан боқиш мумкин. Агар бир жойда сақлаб биноларда боқилса, аммо сут маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ҳайвонларга қўшимча равишда сабзавот, минерал ва витаминли қўшимчалар билан боқиш тавсия этилади.

Қишда, тоғ эчкиларининг рационни пичан ва илдиэ мевали ҳамда концентрат озуқалар кузда эса рационга сабзавотлар қўшиш тавсия этилади.

Йилнинг бу даврида ҳайвонларни витаминлар ва минераллар ҳамда концентрат озуқа билан боқиш тавсия этилади.

Қизиги шундаки, тоғ эчкисининг тоза сувга бўлган талаби ўта юқори. Агар сув ифлос бўлса, эчки ташналиқдан ўлади, лекин бу сувга тегмайди. Шунинг учун ичимлик сувининг сифатини мунтазам равишда текшириш жуда муҳимдир.

Алп эчкиларининг юқоридида келтирилган умумий хусусиятлари унинг афзалликлари ҳақида яхши тасаввурни беради. Шунингдек, зотдор эчки парвариши яхши ривожланган Францияда ҳам Заанен эчкиларига нисбатан маҳсулдорлиги анча паст бўлсада, уларнинг истиқболлари жуда катта.

Ажойиб ташқи кўринишга эга одатда, қишлоқ хўжалиги кўрғазмаларида ҳайвонларнинг ташқи кўриниши уларнинг зотга мувофиқлиги даражаси бўйича баҳоланади. Бироқ, Алп эчкиларининг эстетик таркибий қисми аниқ баҳолашда яхши тенденция мавжуд. Бошқача айтганда, тоғ эчкиси ҳақиқатан ҳам жуда чиройли кўринишга эга.

Совуққа жуда чидамли. Алп эчкиси тоғли тоғ олди минтақасида яратилганлиги сабабли, совуқ иқлим шароитида яшашига мослашган. Шу сабабли, тоғ эчкиларини ҳар қандай тоғли ҳудудда, шунингдек, бошқа эчкиларни боқиш мумкин бўлган шимолӣ ҳудудлар ҳамда иссиқ ўлкаларда ҳам боқиш мумкин.

Сутнинг сифати юқори даражада. Юқоридида алп эчкиси қанча сут берадиганлиги ҳақида айтиб ўтилган эди. Ўртача бир лактация даврида 800 литрни ташкил этади. Бундан ташқари, ушбу сутнинг таъми сизга уни ҳар қандай шароитда табиӣ маҳсулот истеъмол қилиш ҳамда ундан пишлоқ, сариеғ ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш имкониятини ҳам беради.

Ушбу зотни кўпайтириш билан шуғулланадиган деярли барча фермерлар бу ҳақида ижобӣ фикрда. Эчки ўта итоаткор ва умуман эгасига ҳеч қандай муаммо ва қийинчиликлар туғдирмайди. (кўп эътибор талаб қилмайди).

Адолат ва холислик учун биз ушбу зотнинг маълум бўлган камчиликларини ҳам айтиб ўтишимиз керак:

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Алп зотли эчкилар насли жуда оз, аммо, агар сиз фақат Алп тоғ эчкиларининг хусусиятларига, унинг афзалликлари ва камчиликларига таянсангиз, наслчилик учун имконият жуда катта эканлиги намоён бўлади. Зотни боқиш учун кўп меҳнат талаб қилмайди (озуқа уй чорвачилигининг энг заиф томонларидан бири ҳисобланади). Алп тоғ эчкилари ҳар қандай иқлимга яхши мослашади ва шу билан бирга юқори сут маҳсулдорликка эга.

Юқоридигилардан келиб чиққан ҳолда, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Алп зотли эчкиларни йирик ва ўрта фермер хўжаликларидида ҳамда саноат асосида қурилган чорвачилик мажмуаларида ҳам боқиш мумкин. Шунингдек, Алп тоғ эчкилари деҳқонларнинг хусусий уй хўжаликларидида ҳам боқиш учун ҳам мос келишини инobatта олиб уни боқишни тавсия этамиз.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ерохин А.И. и др. Козоводство Москва МСХА 2001 208 с.
2. Завязкин О.Н. разведение и содержания коз и овец. Донецк БАО 2011 г. 64 с.
3. Звонарев Н.М. Прибыльное Разведение коз породы кормление уход. Москва Центрополиграф 2011 г.28 с.
4. Драганов Н.Ф. Деаливили В.Г. Калашников В. Кормление овец и коз. М. ГЕОТАР-Медиа 2011 г.



## Хурматли журналхонлар!

“AGROIQTISODIYOT” илмий-амалий аграр иқтисодий журнали 2017 йил июнь ойидан бошлаб нашр этила бошланди. Унда иқтисодиёт мавзуидаги мақолалар билан қатнашиш мумкин.

Журналда чоп этиладиган мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади. Уларнинг ҳар бири 8 бетдан кам бўлмаслиги, А4 ўлчамдаги оқ қоғозда, 1,5 интервал билан 14-шрифтда Times New Roman шрифтида тайёрланган, ўзбек, рус, инглиз тилларида калит сўзлар ва қисқача аннотация илова қилинган, муаллифнинг фамилияси, исми ва шарифи, иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони, манзили, телефон рақами ва электрон почтаси кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши керак.

Мақолани электрон почта E-mail: [qxiiiti-agroiqtisodiyot@qsv.uz](mailto:qxiiiti-agroiqtisodiyot@qsv.uz) орқали ҳам юборишингиз, маълумот учун эса қуйидаги телефонларга мурожаат этишингиз мумкин: (+0371) 2605230, 2605261.

Ушбу журналда эълон қилинган мақолалар билан Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтининг веб сайти [www.qxiiiti@qsv.uz](http://www.qxiiiti@qsv.uz) танишишингиз мумкин.

**Манзил:** 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2 уй.  
Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти

### Таҳририят:

Мухаррир – Ш.Салом  
Мусаххих – Янгибоев Д.  
Дизайнер-саҳифаловчи – Садуллаев У.Н.

### Таҳририят манзили:

100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани,  
Университет кўчаси, 2 уй.  
Тел.: (+0372) 2605230.  
Факс: (+0372) 2605230.  
E-mail: [qxiiiti-agroiqtisodiyot@qsv.uz](mailto:qxiiiti-agroiqtisodiyot@qsv.uz)

*Бичими 60x84 1/8 (4 б.т.). Адади 300.*

*Чоп этишига 02.12.2019 йилда рухсат этилди.  
2/04-сонли буюртма.*

*“BOOK MEDIA PLUS” хусусий корхонасида  
тайёрланди.*

*Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани,  
Чўпон ота кўчаси, 6 уй.*

Уч ойда бир марта чиқади. Баҳоси келишилган нарҳда.

“AGROIQTISODIYOT” журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Таҳририят фикри муаллифларнинг фикр ва қарашларига мос келмаслиги мумкин.

Мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлигига муаллиф шахсан масъул.

Реклама мазмунига реклама берувчи жавобгар.

**Журнал Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2017 йил 28 декабрдаги 247/6-сонли қарори билан иқтисодиёт фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатида киритилган.**

ISSN 2181-9068



2181-9068

**МАХСУС СОҲ  
2019**